



# ҚАДАМЛАРИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, МУБОРАК АЙЁМ!



(Давоми. Боши 1-бетда).

ларига ҳам катта байрам дастурхони ёзилган эди. Айём куни шаҳар ҳокимлиги ва қатор жамоатчилик ташкилотлари вакиллари кам таъминланган 150 оила ҳамда ногиронлар, нафақахўрлар хонадонларига бориб, уларга ҳар бири 1,5 минг сўмдан озиқ-овқат маҳсулотлари тортиқ қилди. "Қамолот", "Қизил ярим ой", "ЭКОСАН" ва бошқа жамғармалар хайрия тadbирларида фаол қатнашди. Улар болалар уйлари тарбияланувчиларига, етим-есирларга юзларча минг сўмлик турли кийим-кечаклар, пойабзаллар совға қилди. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар маъмуриятлари ҳам ўз фахрийлари учун дастурхонлар ёздилар, турли шаклда моддий ёрдам кўрсатдилар.

Эрталабдан шаҳар истироҳат боғи, хиёбонлар ва ўйингоҳларда тантанали бошланган халқ сайли кечгача давом этди. Аньёнага мувофиқ Бўстонлик, Қўрай, Паркент, Юқоричирчиқ кишлоқ туманлари вакиллари ҳам Наврўз байрамини шаҳарликлар билан бирга нишонладилар.

## ПАРКЕНТ

ЭРТА тонгданок бир тонна гуруч дамланиб, сайлага келганларга ош тортиқди. Тоғлик туман қирларида бўй чўзган исмалок, ариқлар лабида унган хушбўй ялғизлардан тайёрланган баҳор таомлари файзли дастурхонларни беэди. Бир пиёла чойдан сўнг айёмга йиғилган қирқ минг чоғли аҳолини туман ҳокими Туроп Холтоев табриклади.

Кейин бадий гуруҳларнинг навабтма-навабт чиқишлари бошланди. Туманда қадим-қадимлардан қадриятларимиз, аъёналаримизга садқат ардоқланган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ҳар йили вилоятда олдинги ўринларни эгаллаб келаётган полвонларнинг миллий кураш бўйича қизгин беллашувларини паркентликлар зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Айни пайтда марказий кўчанинг икки чеккасидаги хиёбонлардан жой олган 11 та хўжаликнинг "ўзига хос хонадонлари"да ҳам ажойиб гурунглр бошланиб кетди. Фахрийларга совғалар улашилди.

Байрам арафасида туман ҳокимлиги томонидан 210 нафар ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг бир неча нафарига қоляскалар, қулоқ аппаратлари топширилди, 85 муҳтож оилалар эса пул маблағлари билан йўқланди. — деди туман ҳокими, — бугун бундай тadbирлар барча хўжаликлар миқёсида амалга оширилмоқда.

Шу куни паркентлик мактаб болалари жангоҳлардан қайтмаган одамлар, тинчлик йилларида туманга меҳнати сингган, аммо, бу куллари кўриш насиб этмаган фахрийларни хотирлаб, ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйдилар.

## ЮҚОРИЧИРЧИҚ

КАРНАЙ-СУРНАЙ садолари Янгибозор узра таралиб, кексаю ёшларни туман ҳокимлиги биноси яқинидаги Марказий ўйингоҳга барвақт чорлади. Орадан сал ўтмай байрамога либослардаги дала меҳнатқашлари, зиёлилар, ишчилар ва бошқа касб эгаларини бу маскан ўз бағрига олди.

Баҳор айёмини биргалликда нишонлашга келаётганлар савдо кўргазмаларини завқ билан томоша қилар эканлар, бир-бирларини янги кун билан самимий кутлашар, дил сўзларини изхор этардилар.

Ҳар бир хўжаликнинг дид билан безатилган "Байрам уй"ларидаги файзли дастурхонлар сумалак, қўқсомсалар, баҳор таомлари билан безатилди. Утовларда, шинам дўкончаларда, очик пештахталарда савдо кўргазмалари ташкил этилди.

Соат 10.00. Туман ҳокими Мирзахўжа Қалқулов шодиёна иштирокчиларини айём билан табриклаб, тантананинг бадий қисми бошланиб кетди.

Концерт гуруҳлари, хўжаликларнинг бадий хаваскорлари ўз санъатларини намойиш қилдилар, спортчилар маҳоратларини кўрсатдилар.

— Бу кунларга етганимга беҳад шукроналар айтаман, — дейди невар, чеваралари даврасида яйраб ўтирган 92 ёшли Умргул момо, — истиқлол абадий, эл-юртимиз ҳамиша тинч, омон бўлсин.

Наврўз шодиёналари вилоят футбол мавсумининг бошланиш кувончлари билан уйғунлашиб кетди. Маросимни "Дўстлик" ўйингоҳида вилоят ҳокими, вилоят футбол федерацияси раиси Эркин Рузиев очди ва йиғилганларни кўш байрам билан табриклади.

Кейин вилоятимизнинг "Дўстлик" командаси, Хоразмнинг "Хоразм" и билан беллашди. Учрашув 0:0 ҳисобида тугади.

Тумандаги мазкур ўйингоҳда эрталабдан бошланган байрам шодиёналари окшомагача давом этди.

## ЎРТАЧИРЧИҚ

ОИЛА йилнинг Наврўзи "Гулистон" корпорациясининг олдин дала меҳнатқаш Абдурашид Сатторовнинг умрбод ёдида қолади. Чунки, ўша куни унинг Ойгул билан никоҳлари қайд этилди.

— Шодиёнага-шодиёна, тўйга-тўй уланди, — деди уларни кутлар экан туман ҳокими Қаномбой Дехқонбоев, — биз бугун куёвнинг отаси — бутун умри мазкур хўжаликда дала юмушлари билан ўтиб келаётган Абдуғофир ака билан онаси Муяссар опаларнинг кумуш тўйларини ҳам нишонлаёмиз.

Ҳоким тўй соҳибларига турли совғалар топширди. — Байрам шодиёналари эса туманинг бош майдонида ўтди. Дала меҳнатқашлари яратган озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол буюмлари билан тўлдирилган савдо расталари ходимлари аҳоли хизматида бўлишди. Тўйтепадаги саноат корхоналари, тadbиркорлик фирмалари, кичик корхоналар қатор кўргазмалар ташкил этдилар. Байрамда қатнашган кексалар туман ҳокимлигининг кам таъминланганлар, ногиронлар, айниқса, ётиб қолган

беморларга бўлган эътиборини алоҳида таъкидладилар. Бу галги айёмда 300 дан кўпроқ киши саҳоватдан баҳраманд бўлди. Шифохоналардаги беморлар йўқланди.

Шу кунги концертларда, театрлаштирилган кўрсатувларда туман маданият ишлари бўлими бадий дасталари, хўжаликлардаги хаваскор гуруҳлар фаол қатнашдилар.

Ўртачирчиқликлар ажойиб спорт усталари, айниқса, таэквандо, каратэ бўйича малакали спортчилари билан ҳам фахрланардилар. Наврўз айёмида улардан кўплари йиғилганларга ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

## ПСКЕНТ

ҚУТЛУҒ байрамга туман ахли феврал ойнинг дастлахи кунларидаданок тайёрлик кўра бошлаган эди. Барча кўрган, қишлоқларда маҳаллаларни орасталаш, ариқ-зовурларни тозалаш, ҳар хил мева ва манзарали дарахтлар экиш ишлари амалга оширилди.

Байрам куни Пскент шаҳри ўзгача қиёфага кирди. Хали тонг ёришмасданоқ марказ атрофидаги кўчалар бўйлаб араваларда юрган жарчилар аҳолини "Наврўз келди...хо-о-о... Наврў-ў-ў", дея сайлага чорлашди.

Марказдаги майдонда байрамога безатилган катта саҳнада туман раҳбарлари, фахрийлар вакиллари ўрин олдилар. Тантанани ҳоким Жўрабой Мирзолимов очиб, шодиёна иштирокчиларини кутлади.

Умумхалқ байрами, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари учун қувончли келди. Уларга атаб қурилган соғломлаштириш масканида ҳар ойда 20 нафар кексалар соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

Тантана очилиши чоғида туман ҳокими Мирзамашраб Қуччиев йиғилганларни кутлар экан, эришилган ана шундай натижаларни таъкидлаб ўтди.

Айём куни туманинг эътиборли жойларида, барча хўжаликларда, Қўрай шаҳрида куй-қушиқлар баралла янгради. Концерт гуруҳлари "Турон" жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган сутни қайта ишловчи "Турон-97" масъулияти чекланган Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси, Салор кўрғонининг "Гулистон" маҳалласида ишга туширилган шаҳар телефонли автомат станцияси ходимларини ҳам табрикладилар.

Хўжакўрғонлик отахонлар эса Наврўз арафасида табиий газдан баҳраманд бўлганликлари учун вилоят, туман ҳокимликларига раҳматлар айтишди.

## ОҲАНГАРОН

ТУМАН ҳудуд жиҳатидан тоғ ва адирлардан иборат бўлгани учун бу ерларда қўқлам нафаси анча эрта сезилди. Бу йил ҳам туман меҳнатқашлари, айниқса, миришкор дехқонлар ердан ҳовур кўтарилиши биланоқ дала ишларини бошлаб юборишди. Нафақат далаларда, балки маҳаллаларда, кўчаларда ободончилик, кўчат экиш, дарахтларга шакл бериш каби муҳим тadbирлар амалга оширилди. Шу боисдан ҳам туманда Наврўз байрами қизгин меҳнат билан ҳамоманг тарзда шоду-хурамлиқ билан нишонланмоқда.

Деярли барча хўжаликларда байрамга алоҳида тайёрлик қўрилди. Катта Наврўз ошлари дамланиб, байрам қатнашчиларига тортиқди. Қариялар, ногирон ва ердамга муҳтож кишилар йўқланди. Улоқ ташкил этилди.

Наврўз байрами куни эса туман марказида катта шодиёналар бўлиб ўтди. Савдо

ярмаркаси уюштирилди. Миллий ўйинлар, шунингдек, оҳангаронлик бадий хаваскорлар, фольклор дасталарининг чиқишлари, пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорларнинг куй-қушиқлари барчага манзур бўлди.

Оҳангарондаги байрам давом этмоқда. Бугун туманинг тоғли худуди ҳисобланган Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги аҳолиси яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлади. Хўжаликка меҳнатқашлар кўп йиллардан бери орзу қилиб юрган табиий газ келди.

## ҚИБРАЙ

АНЪАНАВИЙ байрамга туман меҳнатқашлари халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида муносиб ютуқлар билан келдилар. Хусусан, қибралликлар сабзавот, мева, узум етиштириб бериш борасида ислохот йиллари ичида анча дадил одимладилар. Шунингдек, туманинг "Унқўрғон" кишлоқ фуқаролари йиғини ташаббуси асосида қўпбал қишлоқлар, маҳаллаларда инфратузилма ривож топди. Шарқона услубда қурилган савдо, маиший хизмат шохбачалари, хусусий дўконлар, оталар чойхоналари, маданий масканлар икки Наврўз оралигида туман кўрқига кўрк кўшди.

Умумхалқ байрами, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари учун қувончли келди. Уларга атаб қурилган соғломлаштириш масканида ҳар ойда 20 нафар кексалар соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

Тантана очилиши чоғида туман ҳокими Мирзамашраб Қуччиев йиғилганларни кутлар экан, эришилган ана шундай натижаларни таъкидлаб ўтди.

Айём куни туманинг эътиборли жойларида, барча хўжаликларда, Қўрай шаҳрида куй-қушиқлар баралла янгради. Концерт гуруҳлари "Турон" жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган сутни қайта ишловчи "Турон-97" масъулияти чекланган Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси, Салор кўрғонининг "Гулистон" маҳалласида ишга туширилган шаҳар телефонли автомат станцияси ходимларини ҳам табрикладилар.

Хўжакўрғонлик отахонлар эса Наврўз арафасида табиий газдан баҳраманд бўлганликлари учун вилоят, туман ҳокимликларига раҳматлар айтишди.

## БЎКА

Атрофни ларзага солиб, қарнай-сурнай садолари янгради. "Бўстон"ликлар — пиру бадавлат боболар, момолар, ой юзли келинчагу қизалоқлар, алл келбатли йигитлар, шўх болақайлар хўжаликнинг сайлгоҳ майдонига оқиб кела бошладилар. Одамлар шукроналар айтиб, Наврўз байрамнинг шукуҳдан баҳраманд бўлишга ошиқардилар.

Ноз-неъматлар билан безатилган байрам дастурхони ёнида кексаю ёш бир-бирларини меҳмон қилишга, бир-бирларининг кўнглини олишга ҳаракат қилдилар. Майдон ўртасига ўрнатилган муваққат саҳнада эса

лари уюшмасининг раиси Юсуфжон Валиев шундай дейди:

— Эндиги мақсадимиз далаларимизга экин-тикинларимизни экиб олсак, марра бизники. Бор эътиборимиз, ҳаракатимиз шунга қаратилган.

"Бўстон" фуқаролар йиғини раиси Ҳакимжон Маҳмудов: — Одамларимизнинг қайфияти аъло эканлигини кўриб турибсиз. Бу, албатта, энг аввало, юртимизда тинчлик-хотиржамлик барқарорлиги тўғйлидир.

Худди шундай.. "Бўстон"ликлар қайси миллат вакили бўлмасин, бир-бирлари билан аҳил, иноқ, тотувликда яшашди. Хуллас, Оила йилнинг Наврўз тантаналари хушнақчақ қайфиятда ўтаётганининг боиси ҳам балким, ана шундандир.

Дарҳақиқат, Бўка туманининг қайси маҳалласида, қайси хўжалик ёки муассасасида бўлмайлик, Наврўз тантаналарига бағишланган кўнголочар кечалар, сайиллар, спорт мусобақалари юксак савияда ўтаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Хўжаликларда катта сумалак сайиллари ўтказилди. Тумандаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўнгли кўтарилди. "Қамолот", "Маънавият ва маърифат" жамғармалари, касба уюшмалари кўмиталарининг со-

вға-саломлари топширилди.

## ОҚҚЎРҒОН

ТУМАН меҳнатқашларининг чехрасидаги табассум, ишонч, бунёдкорлик туйғулари кўриб, қўзингиз қувонади. Амалга оширалаётган ислохотлар ўз самарасини бераётди. Янгилаш, яшариш, бунёдкорлик қўлаи кенг қулоқ ёйганлигини бу ерда бўлиб ўтган байрам тантаналаридан билса ҳам бўлади.

Туман марказидаги "Лайло" ресторани ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Меҳнатқашларнинг вакиллари бўлиши ишчилар, хизматчилар, дехқонлар, муаллимлар, бориин-ки, туман илғорлари шарафига ёзилган Наврўз дастурхони турли-туман нознеъматлар, кўклардан тайёрланган таомлар билан бир қаторда сумалак, ҳалим каби тансиқ таомлар билан ҳам безатилди.

Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Дехқонбоев йиғилганларни Наврўз байрами билан кутлади ҳамда Оила йилида уларга бахт-саодат, сийхат-саломатлик тилади.

Бир пиёла чой ичилгандан сўнг, йиғилганлар 78-мактаб-интернатга йўл олишди. Бу ерда улар кўнгли ўқсик болажонларнинг бошини силаб, 7775 минг сўмлик кийим-кечаклар, байрам совғаларини тақдим этишди. Байрам дастурхони атрофида болажонлар томонидан тайёрланган концерт дастурини томоша қилишди.

Шунингдек, "Туркистон — умумий уйимиз" широи остида ўтказилган қозоқ, туркман, тожик маданий марказлари томонидан тайёрланган байрам дастури ҳам йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Кечқурун отчопарда катта улоқ бўлди.

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ бошқа шаҳар ва туманларида ҳам байрам тантаналари шоду-хурамлиқ билан ўтди. Тахририятга турли касб эгалари кўнголроқлар қилиб, айём чинакам халқ сайлига, инсонларга муруват, саҳоват кўрсатиш, она-заминга меҳр-муҳаббат, қадриятларга аҳтиром изҳорига айланганлигини билдирдилар. Мамнулик билан айтилган дил сўзлари мазмунида далаларга интилиш, яратувчилик, буюк келажакимиз пойдеворини фидойи меҳнат билан бойитиш руҳиятининг барқарорлиги, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Байрам тантаналари ҳақидаги ҳисоботларни "Тошкент Ҳақиқати"нинг махсус муҳбирлари Мирсобир МИРҲАМИДОВ, Саидвали ХАСАНОВ, Зарифа ЭРАЛИЕВА, Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, Рузйиё ҲАМИДОВлар тайёрладилар.



Суратларда: Наврўз тантаналаридан лавҳалар. Р.НУРИТДИНОВ (ЎЗА), Р.ШАРИПОВ ва Д. АҲМАД олган суратлар.

**КЕЙИНГИ йиллар ичида солиқ тизимини такомиллаштириш, бу соҳани малакали, одил ва ишчан ходимлар билан таъминлаш борасида республикамиз раҳбарияти катта имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берди. Солиқ бўйича низомилар, фармойишлар ва қарорларнинг эълон қилиниши, мутахассислар тайёрлаш мақсадида ўқув курслари, лицейлар очилиши, аҳоли орасида солиқ тартиб-қоидаларини тушунтириш ишлари оммавий ахборот воситаларининг жалб этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.**

Хўш, биз солиқчилар ана шу шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятимизни қандай юргизамиз?

Вилоятимиздаги шахар ва туманлар Давлат солиқ нозирликлари қатори бизнинг жамоамиз ходимлари ўз ишларини сидқидилдан баҳаришга интилиб келмоқда. Утган вақт ичида соҳани чуқур тушунадиган, молиявий ишлардан хабардор, ўзига яраша тажрибага эга бўлган ходимлар ҳисобига таркибимиз мустаҳкамланди. Бу беиз эмас:

Катта-кичик йилларда юрт-бошимиз кўп бора таъкидланган-ридек, ҳар қандай ишнинг муваффақияти билимдон, садоқатли мутахассисларга боғлиқдир.

Шу жиҳатдан олганда Хатир Собиров, Бахтиёр Эрназаров, Зокир Абдуллаев, Тоҳиржон Тошпулатов сингари олий маълумотли мутахассисларимиз ҳамда Давлат катта нозир Мақсуд ака Абдувалилов, бош солиқ нозир Наҳиддин Хамаев, Мурод Остонов, Раҳматжон Шодиев кабиларнинг билим ва тажрибаси кўпгина ёшлар учун мактаб бўлиб қолди. Уларга таяниб иш юрғатаётганимиз тўғрисида кўрсаткичларимиз йилма-йил яхшилана бораётган. Буни 1997 йил якунида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Туман бўйича бюджетнинг даромад қисми 100,4 фоиз қилиб бажарилди. Маҳаллий бюджетда ажратилар режаси ҳам ортиги билан адо этилди.

Натижада, нафақа олувчилар, пенсияерлар, ўқувчилар, шифокорларни ўз вақтида ойлик маош билан таъминлашда мушкулликлар руй бергани йўқ.

## МАСЪУЛИЯТ – БОШ МЕЗОН

Туманимиз солиқчилари қўзғалган натижаларга эришишларида факат қонун ва мажбур расмий тартиб-қоидаларга таянмоқдалар. Илимиз эса кўп қиррали. Ана шу жараёнда масъулият, изчиллик ва ҳолисликни ўзимизга бош мезон деб биламиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қатор қорхоналар, савдо шохбалик, тадбиркорлар, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар орасида ҳали давлат солиқ сие-сатини тўлиқ тушуниб етмаётган, ёхуд ўзини билмасликка олаётганлар, солиқ тўлашдан бўйин товлаётганлар тоғлиб турибди.

Бюджетга солиқ ва мажбурий тўловларни ундиришдаги қийинчиликлардан бири қорхоналарда дебитор қарзларнинг вужудга келишидир. Анқироғи, бу мушкуллик мансабдор шахсларнинг 1995 йил 12 майдаги "Халқ ҳўжалигида ҳўсўб-қитобларни ўз вақтида ўқати-зилиши учун қорхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги қора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини

ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларига амал қилмасдан, яъни олинган тўловлар амалга оширилмасдан махсуслот сотиш ва ишлар бажарилиши сабабли вужудга келмоқда.

Фармон ижроси юзасидан туман бўйича текширишлар шунинг кўрсатики, 104 та қорхона ва ташкилот раҳбари ва бош мўхўсблари томонидан 298739,2 минг сўмлик муддат 60 кундан ўтган дебитор қарзларнинг вужудга келишига йўл қўйилган. Бундан жиддий камчиликлар учун 169 нафар

қарз қорхона ва ташкилотларга туланмаган 202635,5 минг сўм юзасидан 153 та талабнома юборилди ва 135 та талабнома бўйича 182680,9 минг сўм бюджетга ундирилди. 36 та ташкилот бўйича жами 57843,3 минг сўм юзасидан ҳўжалик судига даъво аризаси ҳам берилиб, 33 та ариза бўйича ташкилот мол-мулки ҳисобидан 50448,2 минг сўм ундириб олинди. Ҳўжалик судиёнинг қароридан сўнг мол-мулк хатлангўнга қадар ташкилотлар томонидан яна 41093,8 минг сўм бюджетга келиб тушди. Булардан кўриниб туриптики, савий-ҳарақатларимиз эоз кетмапти.

### Долзарб мавзу

ноқонуний равишда сотган. У аввал оғоҳлангирилган, ҳудди шундай ҳўқўбузарлик содир этиб маъмурий жаримага тортилган эди. Таъкидидо ва ҳўсоа чиқармади. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддасига асосан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Фуқаро Дилмурод Тоъиев 390 литр бензин билан ноқонуний равишда савдо қилган. Унга нисбатан

деганларидек, қонунбузарлик ҳолатлари жисмоний таъкидидо орасида ҳам учираб турибди. Ўтказилган текширишларимиз пайтида руқсатномасиз фаолият юритган ёки даромад ва ҳаражат дафтарларини юритиш тартибини бузган 316 ҳолат аниқлиб, тегишли тафсилот-номалар тузилди. Бу шахслардан 471,4 минг сўм жарима ундирилди. Умуман олганда ишимизнинг бу соҳаси билан шуғулланувчи бўлиш ходимларининг фаолияти тўғрисида солиқ қонунчилигини бузган тадбиркорлардан 2240,3 минг сўм бюджетга ундирилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи бўлиманки, биз тўловчиларни факат текшириш ва ҳазола билан эмас, улар орасида тушунириш, маърифатчилик ишлари билан ҳам жиддий шуғулланяёмиз. Шу мақсадда маҳаллий рўзнамаимиз имкониятларидан фойдаланиб тез-тез чиқишлар уюштириб бораемиз. Ўзбекистон телевидениесининг "Солиқ сабоқлари" кўрсатувида, Республика радиоси эшиттиришларида қатъий тураемиз.

Шаксий кузатишларимизга таяниб айташам мўмкин, солиқлар ва тўловлар давлат иқтисодининг бош йўналишлари юқалишига асосий ҳўсоа эканини барча солиқ тўловчилар, умуман халқимиз онгига тобора сингириб борамоқда. Демак, биз солиқ тизими ҳодимлари Батанимиз ҳаётида мўҳим аҳамият касб этувчи фаолият билан шуғулланганимизни доим ҳўсў қилиб, вазифаларимизни ҳўлоп ва сидқидилдан бажаравершимиз керак.

**Абдурашид ҲАКИМОВ, Зангюта тумани Давлат солиқ нозирлиги бошлиғи, солиқ хизмати II-даражали маслаҳатчиси.**

мансабдор шахсларга нисбатан 512,4 минг сўм маъмурий жарима ҳисобидан олиб борилди. Ўтказилган текширишларда 246 та ҳолат бўйича тартиббузарлик фактлари аниқланди ҳамда тартиббузарлардан 366 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар ундирилди.

Назорат пайтида касса аппаратураларидан четлаб ўтиш, харидорлар ҳақиға хиёнат қилиш ҳоллари ҳам учради. Хўсуosan, "Зангюта" хўссадорлик жамиятига қарашли 24-сон дўкон сотувчиси Мурод Самадов харидор ҳақидан 824 сўм "ўриб" қолганидан ташқари, тартиб-нон ҳам бузиб аҳоли билан касса аппаратураси савдо қилган. Ушбу материал бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жинойий иш кўзгатилиб, қонуний қора қўриш учун туман судига юборилди.

Биз ёқилги ва мойлаш махсўслари сотишнинг тартибга солиш мақсадида ҳам нозоратни қўчайтирдик. Қўнунға хилоф иш юрғатиларига жиддий қоралар қўрилмоқда. Масалан, фуқаро Илвир Таъкидидо ва 147 литр мойни

ташқари Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жинойий иш кўзгатилади.

Шунингдек, спиртли ичимликлар сотиш аҳоли, бозорлардаги савдо тартиблари ҳам доимий назоратимизда бўлпти.

Эшонгузар автомобиль эҳтиёт қисмлар сотиш бозорига фуқаро Жаҳонгир Турғўнов ҳеч қандай руқсат қорғозисиз 70543 сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмларини сотиш билан шуғулланган, унга нисбатан тўлган материаллар туман судига қўриб қўйилиб, суд қорғорига асосан 70543 сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари давлат фойдасига мўсодарга қўйилди.

Умуман, инспекция томонидан 1997 йил давомида туман прокуратурасига ўргатиб чиқилган 26 та, туман судига эса чора қўриш учун 76 та материал берилди. Утган йили яқин тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 1776 та жисмоний шахсдан 19679 минг сўм даромад солиғи бюджетга келиб тушди. Лекин, ҳар тўқсанча бир айб,

# ОТА – ҲИСОБЧИ, ОНА – ИҚТИСОДЧИ

**БУ ДУНЁДА ҳар бир инсон умид билан яшайди. Ўзининг қобилияти, топанган-тутганига яраша кун қўради. Лекин шундай одамлар ҳам борки, уларнинг бир сўм маблағи ўн-ўн беш сўмнинг баракасини беради. Табиийки, бундайларнинг рўзгорлари бут, турмушлари тотли, файзли бўлади. Аксинча, айримлар борки, бир дунё пул топсалар-да, барини-барига етказоламайди. Халқимиз бундай оилалар ҳақида гап кетгудек бўлса, "пул топибди-ю, ақл топмабди" деб айтлади.**

Нега шунақа? Жавоби, менимча, жуда оддий. Кимки меҳнат қилиб, тер тўкиб, жонини койитиб пул топса даромадининг қадрига етади. Ўйлаб, дўпписини ерга олиб қўйиб, сарф-ҳаражат қилади.

Бунга ўзимнинг ҳаётим, оиламизнинг турмуш тарзи мисол бўла олади, десам мақтанаяпти, деб ўйланганлар. Сирасини айтаяпман-да, Менинг отам умри бўйи деҳқончилик қилиб кун кўрган. Биз — фарзандларига ҳам эсли-хушли бўлинглар, ўзларинг меҳнат қилиб, кун қўришни одат қилинлар, деб ўргатганлар, шунга даъват этганлар. Улар доим айтардилар, мен давр тақозоси билан ўқиймадим. Сизлар эса ўқинлар, деҳқончилик илминин пухта эгалланлар, ана шунда ҳаётда ҳеч қўқилмасизлар.

Мен шунга ҳаракат қилдим. Кишлоқ ҳўжалиғи илмгоҳини тугаллаган, вилоятимизнинг турли туманлари, ҳўжалиқларида агрономлик қилдим. Ўзимга яраша обрў топдим. Мана, ўн йилдири, ўзим тўғилиб ўсган ҳўжалиқда пудратчи деҳқонларга етакчилик қилиб келмоқдаман.

Давроқе, биз савба-вотчилик, богдорчиликда пудрат бўлиб ишлашни жуда эрта бошлаганимиз. Шунинг учун ҳам даромадимиз яқши бўлиб, ҳаммаша эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлиб келмоқда.

Айниқса, мустақил бўлганимиздан сўнг, бу усулнинг афзаллигини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлдик. Менинг ўзимга келсак, бригадирман, деб қараб турмайман. 30 сотих ерни оиламиз билан пудратга олганимиз. Картошка оқамиз, помидор етиштирамиз. Энг ёқори ҳўсў оламиз. Шу ҳисобга ҳар йили қўшимча 30-40 минг сўм даромад қиламиз.

Бригадир сифатида эса йилига 120 минг сўм, демакки, ойига ўртача 12 минг сўмдан даромад қиламан. Шу ҳисобга қизларимни узатдим, ўғилларимни улангирдим, уйлужойли қилдим. Улар менинғ ёнимга кириб қолишганига анча бўлди. Барака топилсин, топилсин ҳам ёмон эмас. Ҳайридин ойига оиламиз бюуджетига 10-12 минг сўм, Сирождин 15-20 минг сўм олиб келади. Ана энди, ҳисобла-

рўзгор ҳаражатлари ба-маслаҳат ва муштрақлик билан олиб борилиши зарур, албатта. Бизда шундай. Ойлик рўзгор ҳаражатларига нимаики зарур бўлса, ўртача қанча пул кераклигини ҳисоблаб чиқамиз ва ҳар ким ўз улушини қўшади. Мана, бизнинг тахминий буромадимиз. Бир ойда биз 17-18 килограмм гўшт итёсөөл қиламиз. Ҳар бир килограмм гўштни ўртача 300 сўмдан ҳисобласак, 5 минг сўм бўлади. Ёғга 1900 сўм, бир қоп унга 2500 сўм, гурунча минг сўм кетади. Сабзи, пиёз ва бошқа деҳқончилик махсўслари ўзимиздан чиқади. Демак, рўзгор ҳаражати ойига 11 минг сўмини ташкил этади. Бу пулни йилга кўпайтурсак, 133 минг сўмини ташкил этади. Агар тушумдаги 500 минг сўмдан бу пулни айирсак, уён-буён бўлиб, 365-370 минг сўм қолади. Ана бу пуллари ҳар ким ўз заруратиға, орзу-ҳавасига ишлатади. Биз айримлардек, ейишичи, кийиниш учун эмас, аксинча, яшаш учун ёб-ичамиз, кийинамиз. Шунинг учун ҳам бизнинг рўзгоримизда барака бор, айтиш мумкинки, ҳеч нарсага мўҳтожлик сезмаймиз.

Ўйлайманки, ҳаётимиз бундан кейин янада яқши бўлади, Мана, Президентимизнинг ташаббуси билан бу йил Оила йили, деб эълон қилинди. Демак, оилға эътибор яна ҳам қўчади. Ҳар бир жамоада меҳнат қилувчиларнинг, оила аъзоларининг ўз ҳаётларини, турмуш тарзларини ҳар жиҳатдан яқшилалари учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг ўз ҳўжалигимиз мисолида ҳам қўраямиз, сезаямиз. Деҳқонларимиз бир вақтлардагидек оғизда эмас, амалда ерга, мулкка эгалликни сеза бошладилар. Ана шу сезги, ана шу ҳис-тўйғу бизларни яна ҳам астойдил ва унумли меҳнат қилишга ундаши турган гап.

Бу ўринда оила бекасининг хизмати ниҳоятда катта, деб ўйлайман. Ота — ҳисобчи, она — иқтисодчи бўлиши, албатта, зарурдир. Агарда оила бекасини тадбиркор бўлмаса, бу пулнинг баракаси бўлмаслиғи аниқ. Мен бу билан оилада тўрт-беш топармон-тутармон одам бўлса, уларнинг ҳаммаси топган пулини отанинг ёки онанинг қўлиға олиб келиб бериши керак, демоқчи эмасман. Бироқ, қозон битта бўлгандан сўнг

рўзгор ҳаражатлари ба-маслаҳат ва муштрақлик билан олиб борилиши зарур, албатта. Бизда шундай. Ойлик рўзгор ҳаражатларига нимаики зарур бўлса, ўртача қанча пул кераклигини ҳисоблаб чиқамиз ва ҳар ким ўз улушини қўшади. Мана, бизнинг тахминий буромадимиз. Бир ойда биз 17-18 килограмм гўшт итёсөөл қиламиз. Ҳар бир килограмм гўштни ўртача 300 сўмдан ҳисобласак, 5 минг сўм бўлади. Ёғга 1900 сўм, бир қоп унга 2500 сўм, гурунча минг сўм кетади. Сабзи, пиёз ва бошқа деҳқончилик махсўслари ўзимиздан чиқади. Демак, рўзгор ҳаражати ойига 11 минг сўмини ташкил этади. Бу пулни йилга кўпайтурсак, 133 минг сўмини ташкил этади. Агар тушумдаги 500 минг сўмдан бу пулни айирсак, уён-буён бўлиб, 365-370 минг сўм қолади. Ана бу пуллари ҳар ким ўз заруратиға, орзу-ҳавасига ишлатади. Биз айримлардек, ейишичи, кийиниш учун эмас, аксинча, яшаш учун ёб-ичамиз, кийинамиз. Шунинг учун ҳам бизнинг рўзгоримизда барака бор, айтиш мумкинки, ҳеч нарсага мўҳтожлик сезмаймиз.

Ўйлайманки, ҳаётимиз бундан кейин янада яқши бўлади, Мана, Президентимизнинг ташаббуси билан бу йил Оила йили, деб эълон қилинди. Демак, оилға эътибор яна ҳам қўчади. Ҳар бир жамоада меҳнат қилувчиларнинг, оила аъзоларининг ўз ҳаётларини, турмуш тарзларини ҳар жиҳатдан яқшилалари учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг ўз ҳўжалигимиз мисолида ҳам қўраямиз, сезаямиз. Деҳқонларимиз бир вақтлардагидек оғизда эмас, амалда ерга, мулкка эгалликни сеза бошладилар. Ана шу сезги, ана шу ҳис-тўйғу бизларни яна ҳам астойдил ва унумли меҳнат қилишга ундаши турган гап.

Бу ўринда оила бекасининг хизмати ниҳоятда катта, деб ўйлайман. Ота — ҳисобчи, она — иқтисодчи бўлиши, албатта, зарурдир. Агарда оила бекасини тадбиркор бўлмаса, бу пулнинг баракаси бўлмаслиғи аниқ. Мен бу билан оилада тўрт-беш топармон-тутармон одам бўлса, уларнинг ҳаммаси топган пулини отанинг ёки онанинг қўлиға олиб келиб бериши керак, демоқчи эмасман. Бироқ, қозон битта бўлгандан сўнг

рўзгор ҳаражатлари ба-маслаҳат ва муштрақлик билан олиб борилиши зарур, албатта. Бизда шундай. Ойлик рўзгор ҳаражатларига нимаики зарур бўлса, ўртача қанча пул кераклигини ҳисоблаб чиқамиз ва ҳар ким ўз улушини қўшади. Мана, бизнинг тахминий буромадимиз. Бир ойда биз 17-18 килограмм гўшт итёсөөл қиламиз. Ҳар бир килограмм гўштни ўртача 300 сўмдан ҳисобласак, 5 минг сўм бўлади. Ёғга 1900 сўм, бир қоп унга 2500 сўм, гурунча минг сўм кетади. Сабзи, пиёз ва бошқа деҳқончилик махсўслари ўзимиздан чиқади. Демак, рўзгор ҳаражати ойига 11 минг сўмини ташкил этади. Бу пулни йилга кўпайтурсак, 133 минг сўмини ташкил этади. Агар тушумдаги 500 минг сўмдан бу пулни айирсак, уён-буён бўлиб, 365-370 минг сўм қолади. Ана бу пуллари ҳар ким ўз заруратиға, орзу-ҳавасига ишлатади. Биз айримлардек, ейишичи, кийиниш учун эмас, аксинча, яшаш учун ёб-ичамиз, кийинамиз. Шунинг учун ҳам бизнинг рўзгоримизда барака бор, айтиш мумкинки, ҳеч нарсага мўҳтожлик сезмаймиз.

Ўйлайманки, ҳаётимиз бундан кейин янада яқши бўлади, Мана, Президентимизнинг ташаббуси билан бу йил Оила йили, деб эълон қилинди. Демак, оилға эътибор яна ҳам қўчади. Ҳар бир жамоада меҳнат қилувчиларнинг, оила аъзоларининг ўз ҳаётларини, турмуш тарзларини ҳар жиҳатдан яқшилалари учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг ўз ҳўжалигимиз мисолида ҳам қўраямиз, сезаямиз. Деҳқонларимиз бир вақтлардагидек оғизда эмас, амалда ерга, мулкка эгалликни сеза бошладилар. Ана шу сезги, ана шу ҳис-тўйғу бизларни яна ҳам астойдил ва унумли меҳнат қилишга ундаши турган гап.

Бу ўринда оила бекасининг хизмати ниҳоятда катта, деб ўйлайман. Ота — ҳисобчи, она — иқтисодчи бўлиши, албатта, зарурдир. Агарда оила бекасини тадбиркор бўлмаса, бу пулнинг баракаси бўлмаслиғи аниқ. Мен бу билан оилада тўрт-беш топармон-тутармон одам бўлса, уларнинг ҳаммаси топган пулини отанинг ёки онанинг қўлиға олиб келиб бериши керак, демоқчи эмасман. Бироқ, қозон битта бўлгандан сўнг

рўзгор ҳаражатлари ба-маслаҳат ва муштрақлик билан олиб борилиши зарур, албатта. Бизда шундай. Ойлик рўзгор ҳаражатларига нимаики зарур бўлса, ўртача қанча пул кераклигини ҳисоблаб чиқамиз ва ҳар ким ўз улушини қўшади. Мана, бизнинг тахминий буромадимиз. Бир ойда биз 17-18 килограмм гўшт итёсөөл қиламиз. Ҳар бир килограмм гўштни ўртача 300 сўмдан ҳисобласак, 5 минг сўм бўлади. Ёғга 1900 сўм, бир қоп унга 2500 сўм, гурунча минг сўм кетади. Сабзи, пиёз ва бошқа деҳқончилик махсўслари ўзимиздан чиқади. Демак, рўзгор ҳаражати ойига 11 минг сўмини ташкил этади. Бу пулни йилга кўпайтурсак, 133 минг сўмини ташкил этади. Агар тушумдаги 500 минг сўмдан бу пулни айирсак, уён-буён бўлиб, 365-370 минг сўм қолади. Ана бу пуллари ҳар ким ўз заруратиға, орзу-ҳавасига ишлатади. Биз айримлардек, ейишичи, кийиниш учун эмас, аксинча, яшаш учун ёб-ичамиз, кийинамиз. Шунинг учун ҳам бизнинг рўзгоримизда барака бор, айтиш мумкинки, ҳеч нарсага мўҳтожлик сезмаймиз.

Ўйлайманки, ҳаётимиз бундан кейин янада яқши бўлади, Мана, Президентимизнинг ташаббуси билан бу йил Оила йили, деб эълон қилинди. Демак, оилға эътибор яна ҳам қўчади. Ҳар бир жамоада меҳнат қилувчиларнинг, оила аъзоларининг ўз ҳаётларини, турмуш тарзларини ҳар жиҳатдан яқшилалари учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг ўз ҳўжалигимиз мисолида ҳам қўраямиз, сезаямиз. Деҳқонларимиз бир вақтлардагидек оғизда эмас, амалда ерга, мулкка эгалликни сеза бошладилар. Ана шу сезги, ана шу ҳис-тўйғу бизларни яна ҳам астойдил ва унумли меҳнат қилишга ундаши турган гап.

**Жалол ҲИҚМАТОВ, Тошкент туманидаги Турғўн Мирзаев номида жамоа ҳўжалиғи оилавий пудратчилар бригадаси бошлиғи.**



## ЕТТИ ЎЛЧАБ...

**БИЗ техника деҳқоннинг қаноти, деган гапларни кўп эшитганимиз. Лекин, ана шу "қанот"нинг самараси, келтириладиган фойдаси уни қанчалик асраб-авайлаб ишлатишга боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.**

**Бекобод туманидаги А. Мавлонов номи ширкатлар бирлашмаси марказий-таъмирлаш установаси ходимлари бу оддий ҳақиқатга қатъий амал қилишга одатланганлар. Тўғри-да, айни долзарб паллада далада ишлатиладиган техниканинг панд бериб қолмаслиғи учун озорқ бўлса**

**ҳам ортиқча меҳнатдан эринмаслик, етти ўлчаб бир кесиб, соз, мавсумга шай, деб айтилган ағрегатларни қайта-қайта текширишга нима етсин.**

**СУРАТДА: (ўнгандан чапга) бирлашма бош мўҳбираси Мирзакарим Рустамов, таъмирловчи уста Рустам Сарикўлов ва чилангар Уроқкул Сарикўловлар эрта-индин далага чиқариладиган техникаларни сўнгги бор синчиқлаб текшириб кўрмоқдалар.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

### Оқилхон Шарофиддинов таваллудининг 100 йиллиғи олдидан

# УСТОЗИ КАЛОН

БУТҲН умрини ёш авлод тарбияси ва билим олишига бахшида этган устоз муаллимлардан бири — Меҳнат қаҳрамони Оқилхон Шарофиддинов — ҳаёт бўлганларида бу йил 100-баҳорини қаршилардилар.

Тошкент шаҳрида ўрта ҳол оилада дунёга келган Оқилхонни отаси бирмунча саводли бўлганини тўғрисида маҳалладаги мактабдор домлага ўқишга берди. Зийрак, ўткир зеҳли бола домланинг ўзида фойдаланишга топирилган, у "пойдевор" қўйган ягона синф ўрнида қад қўтарган салобатли мактаб кўрмага боқиб ҳавас қиларди. Бу ўқув даргоҳининг моддий базасини қўрган устоз ўзида йўқ севиари.

Ушундан тантананда Оқилхон акага сўз берилганди. У киши ўтмиш воқеалари, мактаб ташкил этиш пайтидаги муаммолар ҳақида гапирди.

Учрашув чоғида О. Шарофиддиновни дастлабки шоғирдларидан бири бўлган генерал лейтенант Собиржон Охунжонов, туман раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари самимий кулдилар. Шарқона одатга кўра тўнлар кийгизилди. Бундай эътибордан бошқ кўкка етган отахон қўзлариде сёвинч ёшлар қўзлариде. У кишининг охирига ақил-фанга, мактабдаги савдоқат билан хизмат қилаётгани айтиди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Ута камтар, болаларга оталардек меҳрибон, мактаб, маориф ишининг ривожига катта ҳисса қўшган Оқилхон ака ҳаётининг энг сўнгги кунларига бу соҳага сидқидилган хизмат қилди. Ажойиб шоғирдларни қамолга етказди. Қайси мактабда бўлмайлик, ёши улғу муаллимлар, меҳнат фахрийлари билан сўхбатлашиб қолсак, Оқилхон Шарофиддиновни билимдон ва дилқаш устоз сифатида хотирлашадим.

Йиллар ўтди. Устоз ортирган таърибаларини жамлади. 1-синфлар учун "Алифбе" китобини яратди. Ушундан бунён бўлганма йиллар давомида нашр этилиб, неча-неча авлодлар саводини чиқаришга хизмат қилди. Кейинги вақтда "Алифбе"га педагогика фанлари доктори, устознинг шоғирди Қумри Абдуллаева томонидан ўзгаришлар киритилиб, у анги қиёфага ва мазмунга келтирилди. Лекин дарслик мўқовасида биринчи муаллим сифатида Оқилхон Шарофиддиновнинг номи доимий бўлиб қолди.

О. Шарофиддинов "Алифбе методикаси", "Ўқиш китоби", "Чиройли ёзув" ва "Катталар алифбеси" каби қатор китобларни ҳам яратган муаллим-иходкордир.

Устоз кўп йиллик машаққатли меҳнати учун 1936 йилда "Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига, кейинчалик қатор мукофотлар, фахрий ёрликларга сазовор бўлди. 1968 йилда эса унга Меҳнат қаҳрамони унвони берилди. Уша кезларда Оқилхон ака ҳамда 60

кишидан иборат тошкентлик муаллимлар гуруҳини у ташкил этган мактабга — Тўйтенгага тақлиф этишди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. 500 кишидан кўпроқ меҳмонлар учун тайёрланган дастурхон ҳам, давра ҳам файзли эди. Устознинг 70 йиллиғи арафасида фойдаланишга топирилган, у "пойдевор" қўйган ягона синф ўрнида қад қўтарган салобатли мактаб кўрмага боқиб ҳавас қиларди. Бу ўқув даргоҳининг моддий базасини қўрган устоз ўзида йўқ севиари.

Ушундан тантананда Оқилхон ака

Кўклам илҳомлари

ФУНЧАЛАР КУЁШГА САЛОМГА ЧИҚАР...

Диёримга кўйдинг фараҳбахш қадам, Ораста баҳорим, Наврўз олам. Гуллардан гиламлар ёзиб заминга, Муаттар нафасинг сезилар бу дам.

Наврўзда она ер тўлур чиройга, Жиллолар йўл олур чаманли жойга. Замин гул елкалаб баҳор сайлига, Бағрини кенг очур кўёш ҳам ойга.

Қанотин ёзганда Наврўз сафоси, Боғларда бошланар тоғлар садоси, Фунчалар кўёшга саломга чиқиб, Оламни тўлдирар хўшбўй ҳавоси.

Эсади баҳорнинг сарин еллари, Ҳайнади мажнунтоқ қирққоқиллари. Она ер нақшига мусаввир бўлиб, Чаманга айланар Наврўз гуллари.

НАЗАРМАТ.

БАҲОР

Бир юрак яшайди ҳар бир куртақда Ва ёҳуд мўъжиза — ҳар қандай дарахт. Кулгулар шаън маъсум, бўйла, гўдақда — Дафъатан вужудинг чулғайди фарах.

Шу кулгу — куртақлар новдага кўниб, Худди умчоққа шай қушга ўхшайди. Бир четда парча қор баҳорга дўниб — Оҳорли — бир оппоқ тушга ўхшайди.

Суюнчи сўрайди дўстим сим қоқиб: "Илк бодом гуллади Сурхондарёда!.." Шеъримга киради жилгалар оқиб — Сурхонга йўл олгум келар пиёда...

Сарафроз парвозга боғлайди қанот — Юрак — қалдирғочим... валфажр айтиб. Ҳамал пешонасини ўпади ҳаёт — Яна осмонимга турналар қайтиб!..

Абдулла ТУРДИЕВ.

ҒОЛИБГА — РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Яқинда "Энг ибратли келинчақ" кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда пойтахтнинг барча туманларида бўлиб ўтган кўрик-танловларнинг ўн бир нафар ғолиби қатнашди.

Танлов низомига кўра иштирокчилар бир неча шарт бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Уларнинг ўзлари туғилиб ўсган юрт ва маҳалла ҳақидаги тасавурулари, тиббий ва ҳуқуқий билимлари "имтиҳон" қилинди. Оила соҳибасининг санъат ва адабиётга, гузалликка бўлган муносабати ҳаётий зарурат эканлиги ҳам шарт сифатида киритилди.

Танловда Яққасарой туманининг "Тепа" маҳалласидан катнашган Шаҳноза Йўлдошева ғолиб деб топилди ва унга танловнинг бош хомийси — Тошкент шаҳар "Наврўз" хайрия жамағатининг мукофоти — рангли телевизор топширилди.

Иккинчи ва учинчи ўринни кўлга киритган иштирокчиларга ҳам шаҳар "Қамолот", "Экосан", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" хайрия жамағатларининг совғалари тақдим этилди.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ.

Қатра

АЁЛ ҚАЛБИ

У ОЧИЛИБ-СОЧИЛИБ, аммо, бироз маъносона гапиради

... Бу ёрғу жаҳонда тинчлиги саломатликдан ўзга бахт бормикин! Шу бахт билан эгиз ширин фарзандларининг дийдори, оталарининг меҳрири нигоҳларидан устун бойлик топиламмикин? — дейди у. — Ҳар кун эрта тонгда фарзандларининг гул юзларидан бўсалар олиб, боғча-ю мактабга кузатарканман, уларнинг "Ойижон, сиз ҳам ишга яхши бориб келинг" деган қаломларининг ўзи мени масрурлик дарёсига фарқ этади. Фарзандларим отасининг меҳрибонлигини, менга бўлган ботиний ҳурматини қалб-қалбимдан сезарканман, ҳар тонг остана олдада уни кузатганча: "Яхши ишлаб келинг. Омаднингизни берсин. Ок йўл!" дея ортидан қараб қоламан. Ва пичирлаганча турмуш ўртоғимни, фарзандларини яратган Парвардигорнинг ўзига топшираман. Сўнг хоналарни саранжом этгандай бўламану, шоганча ишхонам томон ошиқаман. То иш куним тугагунча болаларим, оила менинг ҳаёлимнинг устун бўлиб тураверди. Уларни соғиниб, яна ишдан қайтаман.

Фарзандларим билан кечган ҳар бир соғина мен учун қувончдир. Зеро, фарзандларим бўла туриб, зериккан аёл нафратга лойқидир, дейилган гапининг тўғригига яна бир бор иймон келтирмаган.

Болаларимга суйган таомларини едириб-ичириб, сўнг анчагина улар билан "сирлашиб" ўтираман. Уларнинг кичик қалбини тингламасанг, кичкина "ташвишлири"га шерик бўла олмасанг, дардингизни эшитишни истамайдиган, ҳатто эшитмайдиган бўлиб ўсадилар. Улар дарс қилиб, менга ул-бул юмушларга қарашгандай бўладилару, "Оқшом

эртаклари"дан сўнг ётоқларига кириб кетарканлар: "Ойижон, яхши ётиб туринг, яхши тушлар кўринг. Адажонимиз келса, уларга ҳам айтиб қўйинг" дейдилар.

Мен учун азиз бўлган оиланинг ниҳояти йўқ юмушлари билан овуниб фарзандларининг отасини кута бошлайман. Негиз бугун кеч қолди экан? Ҳаёллар қай кўчаларга олиб бориб, қай кўчалардан олиб чиқмайди дейсиз. Майли, соғ-омон бўлсалар бўлди... Соат миллари эринмай айланаверади. Телевизордаги тунги кўрсатувлар ҳам тугайди. Қўлимга китоб оламан... Шунда эшик кулфари шаклилаб очилади. Адажонимиз бугунги ишлари, ҳал бўлмаган муаммолари ҳақида гапиргандай бўлади. Мен ундан кеч қолиш сабабини сўрамайман. Ҳатто бун истамайман ҳам. Унинг бағримизга соғ-саломат кириб келишининг ўзи давлат эмасми?!

Баъзи аёллар эрлари хусусида "юради" деган ўйда бўладилар. Шу ўринда Пифагорнинг "Оқила рафикам, эринг ёнигда бўлишни истаганг, шунинг пайига тушгинки, у ҳеч қачон, ҳеч қаерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғатда бўлмасин" деган сўзларини эслашни истардим.

Истаманки, сочларимизга оппоқ қорлар кўнганда, кўларимиздан нур, юзларимиздан чирой, оёқларимиздан мадор кетганда, фарзандларимизнинг меҳрири, саховатли қалблари уммонига сингиб кетайлик.

Оллоҳдан тиллоларга бурканишни, энг сўнгги матоддан кўйлак кийишни, дабдабали еб-ичишни сўрамайман. Танграм мендан оилавий тотувликни, оналик бахтини, солиҳ фарзандларни дариг тутмасин.

Аёл гапларини оққа кўчирувчи: Ойсара ДАДАЕВА.

ЛИЦЕЙДА МУЗЕЙ БЎЛАДИ


АНГРЕН шаҳридаги лицей-интернатда вилоятимизнинг Бўка, Тошкент, Охангарон ва бошқа туманларидан келган 80 нафар иккинчи курслик ўқувчилари бўлиб ўтган мусобақада. Бу ерда вақти-вақти билан олимпиада тадбирлари ўтиб турипти. Ҳуқуқчиларнинг чуқур ўрганиётган физика, кимё ва инглиз тили фанлари бўйича билимлари синондан ўтказилмоқда.

— Бу йил лицей-интернатнинг биринчи қалдирғочлари мустақил ҳаётга йўлланма оладилар, — дейди ўқув даргоҳи директори М. Жўраев. — Айни вақтда навбатдаги қабул гуруҳига номзодларни танлаш билан шуғулланаямиз.

Лицейда талабалар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Сабоқлардан ташқари маънавият мазолирида ҳамсуҳбатлар ўтказилиб боришмоқда.

Шу кунларда мазкур даргоҳда лицей фаолиятига оид музей очилмоқда. Музейнинг кўрилушида ҳам давом этади.

Ақбар АЛИЕВ.



РЕСПУБЛИКА об-хавони кузатиш беш бешқармасининг хабарига қараганда, 25-29 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-хаво ўзгариб туради. Айрим туманларда ёнғинга эришми бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 5-10 даража, кундуз кунлари эса 16-21 даража иссиқ бўлади.



"Пахтакор" командасининг собиқ ўйинчиларидан бири, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент вилояти кўмитаси қошидаги I-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шомил Яфarov билан санимий кўришдик. У бир неча йиллардан буён мазкур мактабга директорлик қилиб келмоқда. Бу даргоҳда ўнлаб малакали спортчилар тарбияланди. Улар орасида республикада, собиқ иттифок микросида танилганлари ҳам бор. Яқинда мазкур мактаб вилоят таянч мактабига айланган бўлади. Спорт мутахассислари бунинг қилиб спортнинг янада ривожлантириши йўлида ташланган муҳим қадам деб баҳоламоқдалар. Ҳўш, бунга вилоят спорт мактаби директорининг ўзи қандай қарайди?

— Вилоятимизда кейинги йиллар ичида спортга эътибор анча ортди. Баъзи қийинчиликларга қарамай, кишлоқ спортини ҳам аста-секин жонланяпти. Шу маънода ўзингиз раҳбарлик қилаётган мактабнинг бугунги ишлари хусусида нималар дея оласиз?

— Дарҳақиқат, кишлоқ спортини кейинги икки йил ичида оёққа тура бошлади, дейиш мумкин. Туманларда мавжуд болган спорт мактаблари ночорлашиб қолгандан кейин, бу жойлар асосан хўжаликлар ихтироига ўтказиб берилган эди. Хусусан, мен раҳбарлик қилаётган мактаб Тошкент давлат аграр университети ўқув таърибга хўжалиги ҳудудиди. Тўғриси айтсам, мактабга раҳбар қилиб тайинланганимда хурсанд бўлмадим. Бахтимга деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси раиси Камол Шодимов спортни жон дидан севадиган, бу соҳага эътиборли, "соғлом авлод"ни воқга етказиш йўлида моддий ёрдамини аямийдиган раҳбар бўлиб чиқди. Тезда унинг маддидани севдим. Сўнгги беш йил ичида спорт мактабимизнинг моддий базаси кўпайгандан ҳам зиёда яхшиланди. Замонавий

қурилиш, спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун етарли имкониятларга эгамиз. Мактабда футбол спортининг асосий тури ҳисобланади. Вилоятдаги мактабларга мусобақаларга мунтазам қатнашиб келаямиз.

— Ҳуқуқчиларнинг таянч мактабга айланганлиги беҳиж бўлмас керак?

— Бугунги кун талабига жавоб берадиган ўзингиз борлиги, моддий базанинг мустақамлиги, Республика спорт кўмитаси, кишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитаси раҳбарияти, ТошДАУ ректорати бизни қўллаб-қувватлаётганлиги шу мактабнинг берилиши учун асос бўлди. Айни пайтда вилоятимизнинг турли хўжаликлариди мавжуд 9 та спорт мактаби ишларини мувофиқлаштириб бориш ваколати ҳам бизга берилди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур мактаблар директорлари,

мураббийлар билан биргаликда вилоятимизда кишлоқ спортини ривожлантириш учун бор имкониятлардан фойдаланаямиз. Спорт мактабларида қулай шарт-шароит яратили, уларга қобилиятли ёшларни жалб этиш, моддий базани мустақамлаш, мураббийларни қўллаб-қувватлаш бош мақсадимиз бўлиб қолди.

— Битта мактабга раҳбар бўлиш ҳар ҳолда осон. Энди жамоатчилик асосида бўлсада, ўнта мактабга бошчилик қилишининг ўзинга яраша масъулияти бўлса керак...

— Наврўз байрами олдидан барча хўжаликлардаги спорт мактаблари раҳбарлари билан маслаҳатлашиб олдик. Айбига бағишлаб 20-март кунини бизнинг мактабимиз иккита, қолган спорт мактаблари биттадан команда ажратиб мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Шунинг айтиш

ўзига хос анъаналари хусусида гапириб беришган.

Бир нарсани айтсам, мактанаяпти, деб ўйламанг. Шахсан ўзимда спорт фахрийларига ҳурмат, эътибор кучли. Шу боис бўлса керак, вақти-вақти билан уларни мактабга тақлиф қилиб бир пивла чой устида суҳбатлашамиз. Майдонга тушиб, бироз тўп сурамиз. Бу йил "Пахтакор"чилар хотира кунини ўтказдик. Уларнинг Тошкент Самарқанд, Бухорода истикомат қилувчи оилаларидан ҳам вакиллар келиди. Ажойиб команда дошларимизни эсладик. Козогистон Республикаси спорт мактаблари билан алоқа қилиб туришимиз, ўзаро мусобақалар ташкил этиямиз. Бундай анъаналар келгусида ҳам давом этади.

— Ёш авлод тарбияси йўлида сидқидил ишлатган мураббийлар тўғрисида икки оғиз тўхташган.

— Улар кўп. Айниқса, Оккўрган туманидаги "Султонобод", Покент туманидаги Навоий номили, Чиноз туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжаликлари худудларида жойлашган спорт мактаблари директорлари Халил Қаршиёеов, Абдурашид Тошпулатов, Холмаханбет Серикбоевлар анча йиллардан бери жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Биз улардан миннатдоримиз.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

НАВРЎЗ байрамига атаб ТошДАУнинг I-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўйинчиларидан 19-20 март кунлари бўлиб ўтган мини-футбол мусобақасида 1984-1985 йилларда тутилган ўсмирлардан иборат 10 та команда қатнашди. Бу баяншуда мазкур мактаб командаси биринчи ўринни, Ўртачирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби командаси иккинчи ва Оккўрган туманидаги "Султонобод" жамоа хўжалиги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг командаси учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолибларга деҳқончилик сановати мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент вилоят кўмитасининг совринлари топширилди.

Суратларда: мини-футбол мусобақасидан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

КИШЛОҚ СПОРТИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



йўнгоҳга, спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун етарли имкониятларга эгамиз. Мактабда футбол спортининг асосий тури ҳисобланади. Вилоятдаги мактабларга мусобақаларга мунтазам қатнашиб келаямиз.

"ДўСТИК"НИНГ КУТИЛМАГАН ДўСТАЛИГИ...

Кўни кеча VII миллий биринчиликнинг II тур учрашувлари бўлиб ўтди. Севинчи жамоамиз "Дўстлик" ўз майдонида Хоразмнинг "Хоразм жамоасини қабул қилди.

I турда "Трактор" жамоасидан ўз уйида мағлубиятга учраган хоразмликлар бу уйинга жиддий тайёргарлик билан қатнашганини учрашув бошидаёқ қатъий ҳужумга ўтишгани исботлаб турарди. 15-дақиқада Николай Суссий бир неча ҳимоячини алдаб ўтиб берган зарбасини "Дўстлик" дарвозабони Вячеслав Сирота баъзур қайтарди. Вакилларимиз қарши ҳужумда бироз фаол ҳаракатланяшсада, сўнгги вазиятлардаги ноаниқ зарбалар Бердах Оллониёзовни "чўчита олмади". Шу кунинг ийгилигининг ўзини негатиб қовушавермади. Бу эса ўз навбатида мураббий-футболчиларни асабий-лашшига олиб келди.

Биринчи бўлим анча шундай қайфиятда аяқланган, иккинчи бўлимда ўйин сурвати кескин ошди. Ута юқори тезликда ҳаракатланяётган футболчилар бир-бирларига нисбатан қўполлик қила бошлашди. Натияжада эса оғохлантиришлар "пойгаси" бошланди. Бир неча дақиқа ичида меҳмонлардан тўрт нафари, меҳмонлардан эса икки киши ҳакам Рашид Айтқовнинг "назарига тушиб" улгурди. "Хоразм" жамоасининг ярим ҳимоячиси Сергей Ковшов қизил

карточка билан "сийланиб" майдондан четлатилди. Хуллас, шу кун ҳисоб очилмади. Ҳар икки жамоа ҳам бор-йўғи биттадан очкога эга бўлишди, ҳолос.

Иккинчи вакилимиз "Металлур" эса Қаршиннинг "Насаф" жамоаси меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида енгилди. Чемпионликка даъвогар жамоалар бу турда ўз майдонида ўйнаб, ҳаммаси галабага эришди: "Пахтакор" — "Темирйўлчи" — 4:2, "Навбахор" — "Косонсон" — 3:0, "Нефчи" — "Сўғдиёна" — 2:0, "Анджон" — "Буюкоро" — 2:0.

Ўтган йилги чемпион МХСК ўз майдонида Навоийнинг "Зарафшон" жамоасига 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраши қўпчиликини ажаблантириб қўйди. Афтидан, бу йил аксарият юлдузларидан айрилган ҳарбийлар жамоасининг шашти паст қўрилади. Қани, қураверайлик-чи, ҳали йўл-олис, манзил — ийроқ...

А. РАИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Advertisement for "Tashkilot" featuring a globe and text about services and contact information.

Advertisement for "Tashkilot" featuring a globe and text about services and contact information.

Advertisement for "Toshkent Haqiqati" featuring a globe and text about services and contact information.